O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV №

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2000 йил 22 январь, шанба • № 0 (11.191) • Эркин нархда сотилади

## ВИЛОЯТ ФАОЛЛАРИ ЙИҒИЛИШИ

*ШУ ЙИЛ 19 январь куни вилоят ҳокимлигининг катта мажлислар залида Тошкент вилояти фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг биринчи сессиясида сўзлаган маърузасида билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, вилоят меҳнаткашлари олдида турган устувор вазифалар тўғрисидаги масала атрофлича муҳокама қилинди.*

Фаоллар йиғилишида Тошкент вилоятидан сайланган Олий Мажлис депутатлари, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, вилоят ҳокимлиги гуруҳ ва котибиятлари раҳбарлари, вилоятдаги қурилиш, уй-жой ва коммунал хизмат, агросаноат мажмуи, молия, банк тизими, жамоат ташкилотлари, жамғармалар ҳамда тегишли бошқармалар раҳбарлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокими Уммат Мирзақулов бошқарди.

У фаоллар йиғилишини кириш сўзи билан очар экан, Президентимиз томонидан халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг сессиясида билдирилган танқидий фикрлар, кўрсатиб ўтилган камчиликлар Тошкент вилоятида ҳам мавжуд эканлигини таъкидлади. Хусусан, саноат, қишлоқ хўжалиги тармоқлари, солиқ тизими, дебитор ва кредитор қарзларни камайтириш, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш, кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, вилоят иқтисодиётига чет эл сармоясини жалб этишни кенгайтириш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, бунёдкорлик, ободончилик масалаларида ҳал этилмай қолаётган ва ўз ечимини кутаётган муаммолар бўйича фаолиятимизга танқидий кўз билан қараш лозимлигини қайд этди.

Шу куни фаоллар йиғилиши қатнашчиларига Президентимизнинг халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг биринчи сессиясидаги маърузаси ва сессиянинг тўлиқ видеоёзуви намойиш этилди.

Шундан сўнг йиғилиш ўз ишини давом эттирди. Вилоят халқ хўжалигининг 1999 йил натижалари, жойларда ислоҳотларнинг бориши танқидий нуқтаи назардан чуқур ва ҳаққоний таҳлил қилинди. Қатор соҳаларда эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш, йўл қўйилган камчиликларни тугатиш, ечимини кутаётган муаммоларни хал этиш, фойдаланилмаётган ички имкониятларни ишга солиш ва раҳбар кадрларга талабчанликни янада ошириш ҳақида қатъий фикрлар айтилди.

Фаоллар йиғилишида ўз туман ва шаҳарларида кўрсатиб ўтилган камчиликлар ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан тегишли чоралар кўриш ва ишларни яхшилаш ҳақида Чирчиқ шаҳар ҳокими Д. Азизхўжаев, Оҳангарон тумани ҳокими У. Иброҳимов, Юқоричирчиқ туман ҳокими М. Қалқулов тушунтириш бердилар.

Фаоллар йиғилишида кўрилган масалалар юзасидан тегишли тадбирлар ва тавсиялар қабул қилинди.

## ЭЛНИНГ КОРИГА ЯРАЙЛИК, ЭЛГА СУЯНЧИҚ БЎЛАЙЛИК

### *Тошкент вилояти фаоллари йиғилишидан кейинги ўйлар*

***Халқпарварлик, юртпарварлик – буюк ва заминдор тушунчалардир. Зеро, юрагида, дилида, шуурида бу улуғ ғояларга садоқати бор инсонлар билангина биз келажагимизни, Ватанимизнинг равнақини, юртимизнинг фаровонлигини камол топтиришимиз мумкин.***

Шу йил 19 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг биринчи сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишлаб ўтказилган Тошкент вилояти фаолларининг йиғилишидан кейин биринчи чиқарилган лўнда хулоса шу бўлди.

Тошкент вилояти ҳокими У. Мирзақулов фаоллар йиғилишидаги ўз маърузасида бу масалани вилоят фаоллари олдига аниқ ва кенг кўламли қилиб қўйди. Дарҳақиқат, республикамиз Президентининг Фарғона вилояти Кенгаши сессиясидаги маърузасини лоқайд ва бепарволик билан тинглаш мумкин эмас эди. Ҳоким барчани ана шунга даъват этди. Ундан хулоса чиқаришга ундади. Юртбошимиздан ўрнак олишимиз зарурлигини таъкидлади.

Чунки Фарғона вилояти сессиясида айтилган фикрлар аслида барча вилоятларга, барча фуқароларимизга тегишли ва ибрат бўларлидир. Энг муҳими, Президентимиз ҳар бир чиқишларида, нутқларида бўлгани сингари Ватан равнақини, юрт фаровонлигини, демакки, халқимиз бахту саодати ҳақида қайғурмоқдалар, жон куйдирмоқдалар. Буни шу юртда яшаб, меҳнат қилаётган ҳар бир инсон идрок этиши, ўз ишига танқидий нуқтаи назардан баҳо бериб, янада илдамроқ ҳаракат қилиш лозимлигини ҳис этмоғи керак.

Ўтган 1999 йилни халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида муваффақиятли якунлаган, давлатга пахта, пилла, ғалла сотиш режаларини барвақт уддалаган, саноат, қурилиш ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ҳам сезиларли силжишларга эришган Тошкент вилояти фаоллари ҳам шу куни ўз ишларига танқидий баҳо бердилар. Эришилган натижаларни чуқур таҳлил этдилар, камчилик ва нуқсонларни рўй-рост тан олдилар. Айрим ҳокимлар ва раҳбарларнинг ўз вазифасини етарли даражада эплай олмаётганликлари юзларига айтилди. Шундай бўлиши ҳам керак эди. Чунки, энди лоқайд яшаш, муросасоз бўлиш, боқимандалик кайфиятида юришнинг даври ўтди. Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритганига, ўзига мос тараққиёт йўлидан бораётганига тўққиз йил бўлмоқда.

– Лекин, нега ҳалигача айрим корхоналарнинг, хўжаликларнинг раҳбарлари ҳамон эскича дунёқарашдан воз кеча олмаётирлар, – деди вилоят ҳокими. – Ваҳоланки, вилоятда бозор иқтисодиётини шакллантириш, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида камчилик ва нуқсонлар, фойдаланилмаётган имкониятлар бор. 1999 йилда вилоятда акцияларни сотиш бўйича топшириқ бажарилмади. Оққўрғон, Бекобод, Янгийўл туманларида бу топшириқ бор-йўғи 2-4 фоизгагина адо этилди. Бўка туманида эса ҳали ҳатто акцияларни сотишга киришилгани ҳам йўқ. Савол туғилади. Хўш, унда бу туманлардаги корхоналар нега ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилди? Қачонки одамлар, мижозлар, ишчи-хизматчилар унинг истиқболига ишонмас эканлар, акцияларни сотиб олмас экан, бу жараён кимга керак? Президентимиз Фарғона вилоятида «Ҳиссадорлик жамиятларида мулк шакли ўзгарди. Аммо, раҳбарларнинг фикрлаш тарзи ўзгармасдан қолди», деганларида юз карра ҳақ эдилар.

Вилоятда ўрта ва кичик тадбиркорликни ривожлантириш борасида йўл қўйилаётган камчиликлар ҳам кам эмас. Тараққиётимизнинг келажаги бўлган бу тизим шаҳар ва туманлардаги ишчи комиссиялари, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш вазифаси юклатилган бошқармаларнинг ўз ишларига ўта совуққонлик билан қараётганликлари оқибатида жадал ривожлана олмаяпти. Шу боис ортиқча ишчи кучларини бошқа соҳаларга жалб этиш, янги иш жойлари очиш борасидаги муаммолар ҳам жуда суст ҳал этилмоқда. Вилоятдаги 217та саноат корхонасидан 62таси якунланган йилда ишлаб чиқариш суръатини пасайтириб юборганлиги ҳам ана шу совуққонлик ва масъулиятсизлик натижасидир. Биргина Чирчиқдаги Қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатида ишлаб чиқаришнинг 62 фоизга пасайишига йўл қўйилди. Саноат корхоналари омборларида тўпланиб қолган тайёр маҳсулотлар ҳажмининг ортиб бораётганлиги ҳам ҳал этилиши зарур бўлган энг муҳим муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Фаоллар йиғилишида агросаноат мажмуи масалаларига тўхталинар экан, 1999 йилдагидек қулай келган мавсумда пахта тайёрлаш буюртмасини уддалай олмаган 24та хўжалик фаолиятига, уларнинг раҳбарларига муносиб баҳо берилиши кераклиги айтилди. Вилоятнинг ғалла, пахта хирмони янада баракали бўлиши мумкин эди. Афсуски, суғориладиган ерлардан 38,2 центнер ўрнига 22-29 центнердан ҳосил олинган Бекобод, Бўка, Тошкент туманлари бунга ўзининг салбий таъсирини кўрсатди.

Йиғилишда вилоятда картошка, сабзавот етиштириш ва тайёрлаш борасида йўл қўйилаётган камчилик ва бой берилаётган имкониятларга алоҳида эътибор қаратилди. Юқоричирчиқ, Пскент, Чиноз, Ўртачирчиқ, Янгийўл туманларида ҳар гектар ердан бор-йўғи 138-160 центнердан сабзавот, Оҳангарон, Юқоричирчиқ, Бўстонлиқ, Қибрай туманларида эса ҳар гектар ердан 78-90 центнердан картошка олинаётганлигини қандай баҳолаш мумкин?!

Юртбошимиз Фарғона вилояти Кенгаши сессиясида жойларда ривожланишнинг бориши кўп жиҳатдан раҳбарга боғлиқ эканлигини жуда тўғри таъкидладилар. Агар юқоридаги хўжалик ва туманлардаги аҳволни таҳлил этсангиз, уларнинг аксариятида раҳбарларнинг масъулиятсизлиги, изланмаётганлиги, ҳаракат қилмаётганлиги ана шундай пасайишларга олиб келаётганлигини сезиб оласиз.

Шунинг учун ҳам фаоллар йиғилишида кадрлар билан ишлаш, уларни жой-жойига қўйиш, одоб-ахлоқ, бунёдкорлик, ободончилик, халқ турмуш фаровонлигини ошириш масалалари тўғрисида ҳам атрофлича гап борди. Очиғини айтиш керак, бу галги фаоллар йиғилиши вилоятда ўтаётган мажлислардан ўзининг кескинлиги, ҳар бир масалага тўғри ва аниқ баҳо берилганлиги, раҳбарнинг ишига танқидий кўз билан қаралганлиги билан алоҳида ажралиб турди. Зеро, тўғри ва аниқ гап кишини ҳамиша фаолликка ундайди.

*Президентимиз 1999 йилнинг 29 декабрь куни вилоят сайловчилари билан учрашувда журналистларга қарата «Халқ дардига дармон бўлайлик!» деган сўзларни катта ҳарфлар билан ёзиб қўйинглар, дегандилар. Элнинг корига яраш, элга суянчиқ бўлиш учун дарҳақиқат, аввало, унинг дардига дармон бўла олишимиз керак. Бу, айниқса, вилоятлар доирасидаги раҳбарлар зиммасига катта масъулият юклайди. Мажлисда ана шу масъулият ҳақида қайта-қайта гапирилди. Навбатдаги вазифа аниқ: унга фақат амал қилиш керак.*

**Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ.**
**(«Халқ сўзи» газетаси, 21 январь).**



*Пскент туманидаги «Кенаф» Ўзбекистон-Чехия қўшма корхонаси ҳар ойда 26 минг погон метр брезент ишлаб чиқаради. Бу йил мазкур корхона пахта саноати учун 1 миллион погон метр брезент ишлаб чиқаришни режалаштирган.*

***Суратда**: қўшма корхона брезент ишлаб чиқариш машинисти Зарима Хаялиева иш устида.*

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

## Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессияси биринчи йиғилишининг очилиши тўғрисида

**Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясининг биринчи йиғилиши 22 январь куни эрталаб соат 10да, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис депутатлари диққатига.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 22 январь соат 8.00дан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

## ТУМАН КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Шу йилнинг 21 январь куни иккинчи чақириқ халқ депутатлари Бўстонлиқ туман Кенгашининг навбатдан ташқари иккинчи сессияси бўлиб ўтди.

Унда ташкилий масала кўрилди.

Сессияда туман ҳокими бўлиб ишлаб келган Абдуманноп Абдувосиқов ўз аризасига кўра туман ҳокими вазифасидан озод этилди.

Илгари Ўзбекистон Республикаси акционерлик тижорат "Саноатқурилишбанк" бошқаруви раиси лавозимида ишлаб келган Ўткир Ниғматов Бўстонлиқ тумани ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда Тошкент вилояти ҳокими, республика Олий Мажлиси депутати Уммат Мирзақулов иштирок этди ва сўзга чиқди.

## "ЭКОСАН" ГРИППГА ҚАРШИ

Грипп касаллиги тарқалишининг олдини олиш ишига мамлакатимизнинг жамоатчилик ташкилотлари ҳам ўз улушини қўшмоқда. Халқаро "Экосан" экология ва саломатлик жамғармасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда эпидемияга қарши курашга бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Унда экологлар, шифокорлар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

— Инфекция тарқалишининг олдини олишда, энг аввало, профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш керак, — деди "Экосан" жамғармасининг раиси Й. Шодиметов. — Шу муносабат билан "Экосан" жамғармаси яқин уч ойга мўлжалланган тадбирлар режасини ишлаб чиқди. Санитария-гигиена билимларини, шамоллашнинг олдини олиш йўлларини тарғиб этиш ишимизнинг асосини ташкил этиши керак. Бунинг учун касалликнинг олдини олиш йўллари ҳақида ахборот берувчи махсус варақа кўп нусхада чоп этилди.

Жамғарма фаоллари ҳамда "Экосан" санитария-экология отрядлари соғлиқни сақлаш органлари ва санитария-эпидемиология хизмати томонидан маҳаллалар, аҳоли турар жойларида ўтказиладиган тадбирларда иштирок этади. Яқин кунларда республика ҳудудларига гриппга қарши вакциналар, дори-дармонлар ва дезинфекция воситалари ортилган "Саломатлик" автопоездлари жўнатилади. Ушбу дори-дармонлар жойлардаги соғлиқни сақлаш органлари ихтиёрига топширилади ҳамда бир қисми кўп болали оилаларга тарқатилади. Учрашувда тиббиёт ва болалар муассасаларига, ижтимоий, аҳамиятга эга бўлган бошқа объектларга умумий қиймати 8 миллион сўмга тенг "полисепт" дезинфекция воситаси, шунингдек, қиймати 5 миллион сўмлик ичимлик сувини тозаловчи "Эсперо" мосламасини бепул тарқатишга қарор қилинди.

***А. ИВАНОВА,***
***ЎзА мухбири.***

## ТАДБИРКОРГА БАРЧА ЙЎЛЛАР ОЧИҚМИ?

*Долзарб мавзу*

*Тошкент вилояти кичик ва ўрта тадбиркорлик тузилмалари ўтган йилда тижорат банкларидан қарийб 2 миллиард сўмдан зиёд кредит олди. Хўш, бу маблағ ушбу корхоналарда замонавий технологияни кенг жорий этиш ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун етарлими?*

Бундан беш йилча муқаддам четдан харидоргир мол келтириб сотиш билан ўз фаолиятини бошлаган Қибрайдаги "Акмал-Лазиз" корхонаси айни вақтда бежирим,ихчам ва енгил ёғоч яшиклар ишлаб чиқармоқда. Маҳаллий хомашё ҳисобига ишлайдиган мазкур корхонада ҳар куни ўн турда икки мингга яқин ана шундай маҳсулот тайёрланади.

Эътиборли томони шундаки, корхона республикамизда ягона бўлиб, унинг харидорлари кундан-кунга кўпаймоқда. Бунга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ, албатта. Тадбиркор Акмал Мақсудов замонавий ишлаб чиқариш технологияларини қунт билан ўрганди ва уни ўз корхонасида жорий этиш йўлларини излади. Охир-оқибатда у ҳеч иккиланмасдан "Ўзбеклизинг"-дан 220 минг АҚШ доллари миқдорида қарз кўтариб, хориждан асбоб-ускуна келтириб ўрнатди. Худди шундай тадбиркорлик билан Янгийўлдаги "Зукко" фирмаси жамоаси болалар учун гемотагин ишлаб чиқаришни йўлга қўйган бўлса, "Хоразммаркет" кичик корхонаси томат пастаси ва қандолат маҳсулотларини тайёрламоқда.

Айни вақтда вилоятда тадбиркорлик субъектларини икки-уч баравар кўпайтириш, ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришда уларнинг улушини 25 фоизга етказиш чоралари кўриляпти. Жумладан, Олмалиқ шаҳрида ташкил этилган "Оқ йўл" ва "Хусусий ташувчи" уюшмалари сафида 80 нафар хусусий ҳайдовчининг фаолият кўрсатишига эришилди. Натижада, бу борада соғлом рақобат вужудга келиб, аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш даражаси сезиларли даражада яхшиланди.

Вилоят тадбиркорлар палатаси сафида 22 минг 500 тадбиркор бор. Шундан 4 минг 753 нафари юридик шахс бўлса, қолган 18 мингга яқини якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи ишбилармондир. Афсуски, уларнинг барчасини кўнгилдагидек фаолият кўрсатяпти деб бўлмайди. Ўтган йилда ишни яхши ташкил этолмагани учун 73та хусусий корхона тугатилди. Энди савол туғилади: иқтисодиёт таянчи ҳисобланган тадбиркорлик фаолиятининг кенг қулоч ёйишига нима ҳалақит беряпти?

Тан олиш лозимки, бугунги кунда ҳамма жойда бўлгани каби пойтахт вилояти тадбиркорлари учун ҳам кредит маблағи олиш, хомашё топиш ва тайёр маҳсулотни четга сотиш жиддий муаммо бўлиб турибди.

Вилоят Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси муовини Ю. Маликовнинг айтишича, банкдан кредит олишда ҳамон мушкулликлар мавжуд. Кўпгина лойиҳалар маблағ йўқлиги туфайли амалга ошмай турибди. Масалан, Бекободдаги "Колос-юпитер" корхонасининг лойиҳаси экспертизада ижобий баҳоланган бўлишига қарамай, мана икки йилдирки, унга "Асакабанк" томонидан сармоя ажратилаётгани йўқ. Миллий банкнинг лойиҳаларни молиялаштириш марказида кичик ва ўрта бизнес субеъктларининг умумий қиймати 159,3 миллион АҚШ доллари ва 169,7 миллион сўмга тенг бўлган 19та инвестиция лойиҳасини кўриб чиқиш ҳам чўзиб юборилмоқда.

Одатда банк муассасалари ҳаммага ҳам истаганча маблағ беравермайди. Сармоя ажратишда энг аввало тадбиркорлик фаолиятининг муҳимлиги, кредит олувчининг уни ўз вақтида қайтара олиш имконияти ва кафолатлари ҳисобга олинади, албатта. Аммо кейинги вақтда банклар тадбиркорнинг гаровга қўймоқчи бўлаётган мол-мулкини унчалик эътиборга олмаяпти. Ваҳоланки, мамлакатимизнинг бу борадаги қонунчилигида тадбиркорни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, зарур маблағ билан таъминлаш, унга илғор технология асосида иш юритиш ва маҳсулотини сотишда кўмак бериш лозимлиги қайд этилган.

***Неъмат ДУШАЕВ,***
***ЎзА мухбири.***

## ВИЛОЯТ ҳаёти



• ШУ йил 20 январь куни "Ўзбекнаво" вилоят бўлимининг Маданият саройида "Аждодларимиз қадриятлари асрлар оша" деб номланган кўрик-танлов бўлиб ўтди. Вилоят маданият ишлари бошқармаси ташаббуси билан ташкил этилган бу тадбир Наврўзга тайёргарлик бўйича ишлаб чиқилган дастур асосида амалга оширилди. Унда ҳудудимиздаги барча шаҳар ва туманлардан таклиф этилган фольклор жамоалар, достон айтувчилар, лапарлар ижрочилари иштирок этдилар.

• **"ТОШВИЛЙЎЛОВЧИТРАНС" концерни тизимидаги корхоналар, шохбекатлар ходимлари, хизматчилари ўзларининг ва йўловчиларнинг саломатлигини сақлаш мақсадида грипп эпидемиясига қарши кураш бўйича қатор тадбирларни амалга оширдилар. Иш жойлари дезинфекцияланди. Чипта сотувчилар, ҳайдовчиларнинг докали ниқоблар билан ишлашлари қатъий қилиб қўйилди. Шохбекатларда саранжом-саришталикни таъминлаш доимий назорат остига олинди.**

• ШАҲАР ва туманлардаги боқувчисиз қолган болаларни васийликка олган оилалардан "Соғлом авлод" жамғармаси вилоят бўлимига қўнғироқлар бўлиб турипти. Улар жамғарма ходимларига фарзандлари "Минерал сувлар" санаторийсида яхши дам олиб, саломатликларини мустаҳкамлаб қайтганликлари учун миннатдорчилик билдирмоқдалар. Бундай ғамхўрликдан баҳраманд бўлган 30 нафар ўғил-қизчаларнинг эса, қувончлари бир олам.

• **ЎЗБЕК кино усталари томонидан яратилган "Чимилдиқ" бадиий фильмининг вилоятимиз бўйлаб илк намойишлари давом этмоқда. Хусусан, Чирчиқдаги Навоий номли кинотеатрда ва Тикувчилик касб-ҳунар лицейида ҳам мазкур киноасар премьераси ўтказилди. Тадбир қатнашчилари бевосита фильм ижодкорлари — кинорежиссёр Мелис Абзалов, актрисалар Дилбар Икромова, Раъно Шодиевалар билан учрашдилар.**

• ЗАНГИОТА, Қибрай туманлари ва Чирчиқ шаҳри мактабларида Ўзбекистонда илк бор "Ваколатли таълим" лойиҳаси қўлланила бошланди. 1997 йилда Украинадаги Аёллар ахборот-маслаҳат маркази ва МДҲ-АҚШ Аёллар Консорциуми томонидан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ушбу лойиҳа ўқувчиларни ўғил ва қизлар, кучли-кучсиз, яхши-ёмонга ажратмай, уларга эртамизни давом эттирувчи инсонлар сифатида қараб, таълим беришни тақазо этади. Мазкур лойиҳа Ўзбекистондан ташқари Грузия, Қирғизистон, Литва, Тожикистонда ҳам тадбиқ этилмоқда.

